Ушбу сонда:
2 «БОЛАЛАР ЁЗИ» — КАТТА ИМТИҲОН
3 ФИДОЙИ ИНСОНЛАР ЭЪЗОЗИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 19 май, шанба №77 (1091)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 май куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди.

Суҳбат чоғида ҳарбий соҳадаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА).

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Ҳиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида ниҳоясига етган ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида пауэрлифтинг спорти бўйича Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Надежда Малюгина мутлоқ вазн тоифасида 482 килограмм юк кўтариб, ғалаба қозонди. Надежда олтин медал ва Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлиш билан бирга, жорий йилнинг 19-23 август кунлари Японияда бўлиб ўтадиган Жаҳон ўйинларига бериладиган шахсий таклифномани ҳам қўлга киритди.

Шунингдек, 56 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Ирина Кочина ҳам Осиё чемпиони бўлди. Эркаклар ўртасида эса Алан Жиоев ва Озод Раҳмонқулов олтин медалларга сазовор бўлишди. Ойгул Искандарова чемпионатнинг бронза медали билан тақдирланди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Хазорасп туманида 100 нафарга яқин киши доимий ва яхши ҳақ тўланадиган иш билан таъминланди. Яна 65 нафар киши мавсумий ишларда иштирок этади. Бундай кўрсаткичлар бу ерда ўтказилган кенг кўламли меҳнат ярмаркалари самарасидир.

Ушбу ярмаркаларда туманнинг 30 корхонаси ва хўжалиги 300 тадан ошиқ иш ўрнини таклиф этди. Вакансияларнинг бир қисми ҳозирча бўш. Даъвогарлар меҳнат шартлари ва уларга тўланадиган иш ҳақини ўрганганидан сўнг иш ўринларини эгаллайди.

(ЎзА).

МУҲТОЖЛАРНИ ҚЎЛЛАШ-КАТТА САВОБ

Тошкент вилояти Қизил Ярим Ой Жамияти Кенгаши Паркент туманида отаонасидан эрта айрилиб, кекса бувиси қўлида қолган Бегабоевлар оиласидаги 5 нафар фарзанднинг тўнғичи Тўхтамурод Бегабоевнинг Тошкент туманидаги Қишлоқ хўжалик аграр коллежига ўқишга киришига ёрдам кўрсатди.

— Табиий офатлардан зарар кўрган, моддий жиҳатдан қийналган ночор одамларга ёрдам бериш Қизил Ярим Ой Жамиятининг асосий вазифаларидан ҳисобланади, - деди Республика Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент вилояти Кенгаши раҳбари Муфаррах Каримова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шу вазифани адо этиш йўлида жамиятнинг Тошкент вилоят Кенгаши сўнгги йилларда қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, фавқулодда вазиятлар чоғида жабрдийдаларга жамиятимиз томонидан 384 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» кексалар уйи ҳамда, Янгийўлдаги «Мурувват уйи» ҳам Кенгашнинг доимий оталиғида.

М.Каримовнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда меҳр-шафқат хизмати томонидан 116 та кўп болали, кам таъминланган оилалар васийликка олинган. Шунингдек, вилоят Кенгаши сўнгги йилларда 1500 нафардан ортиқ кишига 8 миллион 703 минг 828 сўм миқдорида моддий ёрдам ажратди. Ўтган йилнинг ўзида Дания Қизил Хоч Қўмитаси ҳомийлигида Миллий Кенгашнинг озиқ-овқат Дастурига асосан вилоят Кенгаши қарамоғидаги муҳтожлар учун 20,5 тонна озиқ-овқат — ун, гуруч, ёғ, макарон маҳсулотлари ажратилди. Каунтерпарт Интернейшнл ташкилоти орқали эса 4 миллион сўмликдан ортиқ инсонпарварлик ёрдами — янги кийим-бошлар ва пойабзаллар олиниб, муҳтожларга тарқатилди.

Вилоятда 15 та тиббий-ижтимоий хоналар мавжуд бўлиб, 10 мингдан ортиқ кишига ёрдам кўрсатилди. Иккинчи жаҳон урушига кўнгиллилардан бўлиб кетиб, ўз мардлиги ва жонбозликларини намойиш этган бир неча ўзбек ҳамширалари қаторида Рихси Мўминова ва Матлуба Эшонхўжаевалар Халқаро Қизил Хоч Олий мукофоти — «Флоренс Найтингел» медалига сазовор бўлди.

М.Каримова Кенгаш-нинг соғломлаштириш ишларига қўшаётган ҳиссасини қайд этиб, Исландия ва Нидерландия Қизил Хоч қўмиталари ҳомийлигида Янгийўл шаҳрида ногирон болалар учун тиббий-тиклаш маркази очилганлигини таъкидлади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу марказда бир йўла 25 нафар ногирон болалар бепул даволаниши учун шароит яратилган.

Юқоричирчиқ туман Кенгаши томонидан тумандаги кам таъминланган кўп фарзандли оилаларнинг 43 нафар болаларига саломатликларини тиклашлари учун «Чимён» соғломлаштириш оромгоҳига йўлланма берилди. Вилоят Кенгаши ва Зангиота тумани Кенгаши томонидан кам таъминланган кўп болали оилалардаги 5 нафар ногирон болалар учун аравачалар олиб берилди.

— Қилаётган хайрли ишларимиз кўп. Бироқ бу муҳтожлар ҳаётидаги барча муаммоларни ҳал қилиш учун етарли эмас. Вилоятимиздаги саховатпеша тадбиркорларимиз ҳам ўз ҳиммматларини аяшмаса, меҳнат биржалари аҳолини ишга жойлаштириш ишларини янада жонлантирса, одамлар ўртасида меҳр-оқибат янада мустаҳкамланса, мавжуд камчиликлар ўзўзидан барҳам топади, - деди М.Каримова сўзининг якунида.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига

ЎЗИМИЗНИНГ МАҲСУЛОТ

Қўшнилар билан Наманган шаҳридаги катта бозорни айланиб юрардик. Шу пайт ҳамроҳим бахмални эслатувчи, бежирим мато олдида тўхтаб, унга тикилиб қолди.

— Тадбиркорлар ҳам бор бўлишсин, турли мамлакатлардан сара молларни келтиришяпти.

— Адашяпсиз, бу ўзимизнинг «Нотўқима» корхонасининг маҳсулоти.

Шунда қўшнилар менга савол назари билан тикилишди.

— Шундай. Кўпчиликка манзур бўлаётган сунъий мўйна корхонамиз ишчилари томонидан тайёрланаяпти. Унга бўлган талаб тобора ортмоқда.

Мустақиллик бизга кенг имкониятлар яратди. Хориж билан ҳамкорлик қилиб, замонавий технологияларни ўрнатиш, цехларни кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш, соҳа янгиликларини амалиётга дадил жорий қилиш корхона ихтиёрида. Ислоҳотлар шарофати ила мустақиллик йилларида бизда қувончли ўзгаришлар рўй берди. Кўркам цехларимизга кирсангиз, ҳавасингиз келади. Германия ҳамда Россиядан келтирилган дастгоҳлар бир маромда ишлаб турибди. Уни маҳаллий кадрлар моҳирлик билан бошқармоқда. Улар тажрибали мутахассислар ёрдамида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, тежамкорликка риоя қилиш ҳамда иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қиладиган омиллардан унумли фойдаланишни ўрганиб олишди. Ишчиларимиз томонидан тайёрланаётган тўрт хил маҳсулот пахта сотиш — саноат тармоқлари учун сув ва ҳаводек зарур. Мебелсозлар, пойабзалчилар ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда.

Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Агар инсон ўз касбидан, эришаётган натижалардан кўнгли тўлса, меҳнатига яраша иш ҳақи олса, ёниб-жўшиб ишлайди. Ходимлар меҳнат интизомига қатъий риоя қиладилар. Сифатга путур етказган, бўшашувчанликка йўл қўйган киши касаба уюшма қўмитаси аъзолари томонидан вақтида тартибга чақирилади. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш омилларидан унумли фойдаланаётганимиз кишилардаги масъулиятни янада кучайтирди, ташаббус кўрсатиб фаолият юритишга ундади.

Яқинда қувончли хабар тарқалди. Қатор ҳамдўстлик давлатлари маҳсулотимизга харидор бўлишибди. Ҳозир бу йўналишда саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу кайфиятимизга кайфият қўшди. Айни пайтда қўшимча мажбурият юклади. Ишдан сўнг тажрибали ходимлар, мутахассислар маҳсулотларни янада сифатли, бежирим бўлиши юзасидан ёшларга йўл-йўриқлар, маслаҳатлар беришмоқда. Шу мақсадда тегишли адабиётларни мутолаа қилиб борамиз. Бирор таклиф бўлса, қизғин муҳокама қиламиз. Қизғин баҳслар, ўзаро фикр алмашувлар жараёнида кўпгина муаммоларни ҳал этиш имконияти яратиляпти.

Бир вақтлар корхона инқирозга юз тутай деб қолганди. Омилкор, изланувчан, ташкилотчи кишилар жалб этилганлиги бозор қийинчиликларини қисқа вақтда енгиш имконини берди. Энди «Нотўқима» корхонаси Намангандаги пешқадам ишлаб чиқариш жамоаларидан бири. Ютуқларимиз ой сайин кўпаймоқда. Жумладан, ўтган йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш солиштирма нархларда 2 миллиард 188 миллион сўмни ташкил этди. Ходимларнинг ўртача ойлик маоши 40 фоизга ўсди. Қувончлиси шуки, жорий йилнинг апрел ойидан бошлаб ишчи-хизматчилар маоши янада ошди. Меҳнат қилган асло кам бўлмайди. Ўтган йили олинган соф фойда ижтимоий ҳимояга эътиборни кучайтириш, маданий-маиший тадбирларни кенгайтириш, цехларни кўркамлаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Сир эмас, қайсидир корхоналарда қисқаришлар кетяпти. Биз эса 1350 кишилик жамоани тўлалигича сақлаб қолдик. Ишловчиларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боис, қабул қилинган жамоа шартномасида уларга алоҳида имтиёзлар яратилган. Хусусан, қўмакка муҳтож ишчи аёлларга турар-жойлар сотиб олиб бердик. Бахтли ёшларимизнинг никоҳ тўйларини ўзимиз бош бўлиб ўтказамиз. Бултур кўпболали, кам таъминланган оилаларимизга 1,5 миллион сўм моддий мадад кўрсатилганди. Жорий йилда бу кўрсаткич икки ҳисса ошиши кутилмоқда. Бутун диққат-эътибор Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга қаратилмоқда.

Д.ХОЖИЕВА, Намангандаги «Нотўқима» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Муаммо кўндаланг қўйилади

БАЪЗИ АВТОБУСЛАР НЕГА БЎШ ҚАТНАЯПТИ?

Қаршидан Тошкентга йўл олган «Нексия» ҳайдовчиси сергап йигит экан. Ўзини таништириб, шундай деди:

— Исмим Бозорбой, сизлар менинг амакиваччаларимсизлар.

Икки дўст ҳайрон бўлиб бир-биримизга қарадик.

— Намунча соддасиз, бу шунчаки расмиятчилик. Йўлда биронта ДАН ходими диққат қилмаслиги учун шунга келишамиз.

Тушунгандай бўлдик...

— Ҳар сафар йўловчиларга амаки, тоға бўлиб тиркалгандан кўра патент ёки лицензия олсангиз, олам гулистон-ку?!

— Унда жарақ-жарақ пулдан бенасиб бўламиз, - тушунтирди ҳайдовчи. - Яширишнинг ҳожати йўқ, йўлда тўхтатган одам билан «келишиш» ҳар томонлама фойдали.

Маълум бўлишича, Бозорбой педагогика институтини тугатган. Лекин бир кун ҳам мактабда ишламабди. Дипломни сандиққа ташлаб, тижоратчидан «Нексия»ни ижарага олибди. Машина эгасига кунига 3 минг сўм «ўлпон» тўларкан.

— Кўп эмасми?

— Жойида, - деди ҳамсуҳбатимиз ва биз сўрамаёқ ҳисоб-китоб қилиб берди.

Қаршидан Тошкентгача бўлган масофа 470 километр. «Нексия» ўз бағрига ҳайдовчидан ташқари 4 нафар йўловчи олади. Ҳар бир одам ўрта ҳисобда 5 минг сўм тўлайди. Демак, жами 20 минг сўм атрофида бўлади. Машина эгасига 3 минг, бензин пули 5 минг сўм. Йўлдаги баъзи «харажат»ларга 3 минг сўм белгиланаркан. Хуллас, соф даромад 9 минг сўмни ташкил этяпти. Қаршидан Тошкентга беш соатда етиб келинади. Пойтахтда икки-уч соат бўлиб, яна орқага қайтилади. У ёғига яна камида 12 минг сўм. Демак, бир келиб-кетишда 21 минг сўмга яқин топилади. Қизиғи ва ташвишланарлиси шуки, бу пулдан давлатга бирор сўм берилмайди...

Аслида Қаршига хизмат сафаридан мақсад ҳам йўловчи транспорт тизими фаолияти, кўпчиликни ўйлантираётган баъзи муаммолар билан боғлиқ эди. Қўлимиздаги шикоят хатида шундай сатрлар бор: «Тошкент шоҳбекатидан жўнаши лозим бўлган рейс автобуси баъзида шоҳбекатга кирмай, йўловчиларни бозорлардан олиб жўнаб кетаркан. Шу боис, айрим вақтда узоқ кутишга тўғри келмоқда. Тоқати тоқ бўлган йўловчилар қиммат-роқ бўлса-да шахсий киракаш машиналардан фойдаланишга мажбур бўлишаяпти».

Биз «Қашқадарётранс» давлат акциядорлик бирлашмаси раҳбари Толибжон Холиқовни хат мазмуни билан таништирдик.

— Кўпдан бери бизни қийнаб келаётган муаммони тилга олдингиз, - деди бирлашма раҳбари. - Бозор шароити, янгича иқтисодий муносабатлар ҳаммамизни синовдан ўтказяпти. Очиғи, баъзи бир масалалар бизни ўйлантириб қўяётир.

Ҳамсуҳбатимиз ўз фикрларини изоҳлашга ўтди. Кейинги вақтларда барча ерда бўлгани каби Қаршида ҳам тижорат автобуслари, шунингдек, «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналари ғоятда кўпайган. Яширмасдан очиғини айтайлик: ҳозирча давлат автомобиллари шароити тенг бўлмаган рақобатга дуч келиб, баъзи ҳолларда «синиб» қолаётирлар...

Маълум бўлишича вилоятнинг мутасадди раҳбарлари энг серқатнов йўналишларда қатнаш учун автокорхоналар ва шахсий машиналар тизилмалари ўртасида тендер танлови ўтказганлар. Тендер шартлари автобусларнинг ушбу йўналишларга яроқлилиги, қатнов вақти оралиғининг мунтазамлилиги, йўловчиларга яратилган қулайликлар, ва албатта, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олади. Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам тендерда давлат автокорхоналари ютиб чиқишган. Демак, белгиланган йўналишларда фақат шу тизим автобусларигина қатнаши керак. Бахтга қарши, негадир бу масалада ҳанузгача қатъий тартиб ўрнатилмаган. Битта давлат автобуси тўхтаган шоҳбекатда ўнлаб енгил автомашиналар қаторлашиб турганини кўрамиз. Таажжубки, ҳеч ким уларнинг мушугини пишт демайди, «Ахир тендердан ўтолмагансиз-ку» деб айтолмайди.

Долзарб масаланинг ўйлантирадиган жиҳатлари бор. Чунончи, автокорхоналар давлатга солиқ тўлайди, бюджетга пул туширади. Киракаш машиналарнинг эгалари-чи? Тўғри, улар ҳам халққа хизмат қиляпти. Лекин ҳамма нарсани яширмай, ўз номи билан атайдиган бўлсак, уларнинг айримлари фақат ўз чўнтакларини кўзлаган ҳолда хизмат қилишаяпти, елиб-югуришаяпти. Енгил машиналар эгаларининг анчагинаси солиқ идораларидан патент (лицензия) олишмаган. Демак, катта миқдордаги пуллар давлат бюджетини четлаб, шахсий транспорт эгаларининг чўнтагига тушяпти.

Биттагина ҳаётий мисол. Қамчиқ довонининг йўли созланмасдан, тунеллар қурилмасдан туриб, «Тошкент-Андижон» поезди ҳар куни, ҳатто айрим кунлари икки марта қатнарди. Ҳозир эса ҳафтасига икки кун қатнамоқда, холос. Боз устига, поезднинг вагонлари гоҳо бўш келяпти. Хўш, бунинг сабаби нимада? Тошкентдан Андижонга ёки, аксинча, Андижондан Тошкентга йўлга чиққан киши енгил машинада атиги тўрт-беш соатда манзилга етади. Йўлкира эса поезд нархи билан деярли тенг. Кечаси-ю кундузи довон орқали у ёқдан бу ёққа тинмай йўловчи ташиётган машина ҳайдовчиларининг муайян қисми давлат учун эмас, фақат ўзи учун ишлаяпти. Ахир, инсоф сари барака, дейдилар-ку!

Муаммонинг ечимлари қаерда? Бизнингча, қатъий назоратда. Давлат Солиқ қўмитаси Давлат Автомобил Назорати ходимлари кўмагида бу масалани бемалол ҳал қилиш имконига эга. Фақат бунинг учун қаттиқ тартиб, қоғоздаги эмас, амалдаги назорат керак. Катта йўлларга ҳеч қандай «келишув»га учмайдиган, хизмат бурчини виждонан ўтайдиган ходимлар қўйилса айни муддао бўлур эди. Ўшанда патентсиз ҳаракат қилиб юрган енгил автомашиналар четга чиқарди.

Қолаверса, тенгсиз шароитдаги рақобатда ҳозирча енгилиб қолаётган давлат автокорхоналари ҳам замонга, шароитга мослашиш, мувофиқлашиш саъ-ватини ўзлаштириб олсалар ёмон бўлмасди. Ахир, Тошкентдан Қаршигача давлат автобусининг чиптаси 2400 сўм бўлгани ҳолда тижорат автобуслари йўловчиларни минг, бир минг икки юз сўмга олиб кетаётирлар...

Пишиб етилган муаммони ҳал этиш, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш фурсати етди. Ниятимиз - ноқонуний йўл билан бойлик орттираётганлар орамизда бўлмасин, давлат автобуслари, баъзи йўналишлардаги поездларимиз у ёқдан бу ёққа бўш қатнаб юрмасинлар.

Иззат ҲИКМАТОВ, Қодиржон СОБИРОВ, «Ишонч»нинг махсус мухбирлари.

Тадбир, тажриба, таклиф

«БОЛАЛАР ЁЗИ» – КАТТА ИМТИҲОН

Саноқли кунлардан кейин ўқувчилар жонажон мактаблари қучоғидан вақтинча узоқлашадилар. Олдинда уларни ширин лаҳзаларга бой ёшликнинг унутилмас дақиқалари бўлиб муҳрланажак дамлар кутмоқда. Демак, болажонлар ёзги таътилни сўлим оромгоҳларда мароқли дам олиб ўтказадилар.

Шу мақсадда болалар оромгоҳларини ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари қизғин паллага кирди. Бухоро нефтни қайта тозалаш заводига қарашли «Нефтчи», Олот туманидаги «Роҳат», «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти тизимидаги «Ёш тўқимачи», «Нефтгазқурилиштаъмир» акциядорлик жамияти ҳисобидаги «Камолот» оромгоҳларидаги мавсумга тайёргарлик ишлари жадал суратларда олиб бориляпти.

2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган дастурнинг муҳим бандларидан бири вилоятимиздаги болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини юқори савияда ташкил этишдан иборатдир. Куни-кеча Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши томонидан «Жуйизар» ҳудудида жойлашган «Камолот» болалар оромгоҳида ўтказилган семинар-йиғилишида ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилди. Унда вилоятдаги фаолият кўрсатиши режалаштирилган юздан ортиқ шаҳар орти ва мактаб олди оромгоҳларининг бошлиқлари, тарбиячи шифокорлари ҳамда касаба уюшма вакиллари иштирок этдилар.

Семинар иштирокчилари «2001 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ўтказишда касаба уюшма ташкилотларининг вазифалари», «Болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида тарбиявий ишларни юқори савияда ташкил этиш борасидаги ишлар ҳақида», «Болалар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишнинг амалий йўналишлари», «Болалар ўртасида экологик тарбияни ривожлантириш», «Болалар оромгоҳларида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлиги чораларини кўриш», «Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш» каби мавзулардаги ўндан ортиқ маърузаларни тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан қониқарли жавоблар олдилар.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг оромгоҳ ташкилотчилари ва бошлиқлари ўртасида маданий ҳамда спорт тадбирлари уюштирилди. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят бошқаруви томонидан уюштирилган «Қувноқ стартлар», Бухоро вилояти маънавият ва қўшимча таълим маркази вакилларининг оромгоҳларда маданий тадбирлар ўтказиш бўйича кўргазмали дастурларининг бевосита иштирокчиси бўлган турли ёшдаги семинар қатнашчилари ўз қобилиятларини яна бир карра синовдан ўтказдилар.

«Умид» ёшлар театр студияси томонидан намойиш қилинган мусиқий дастур билан ниҳоясига етган мазкур семинар-йиғилиш барчада илиқ таассурот қолдирди.

Жаҳонгир ШАРИПОВ,
Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши маданият, спорт ишлари ва ижтимоий муаммолар бўлими мудири.

Ўзбекистон ва Хитой касаба уюшмалари ҳамкорлиги

ДОНГ ЛИ: ЮРТИНГИЗ МАФТУНИМАН!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари билан алоқани тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Шу кунларда Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси котиби Донг Ли бошчилигидаги делегация аъзолари юртимизда меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, тиббий хизмат кўрсатиш, маданият саройидаги шарт-шароитлар уларда яхши таассурот қолдирди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришгач, уни жаҳон таниди, тан олди, - дея фикрини ифодалади Донг Ли. — Юртингизга биринчи бор келишим. Ўзбек халқининг фазилатлари ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Бироқ, ўз кўзинг билан кўрган бошқа. Тошкент ўзининг гўзаллиги, одамларининг самимийлиги билан бизни мафтун этди. Фикримча, Ўзбекистоннинг йил сайин юксалиши учун барча имконият, шароит бор. Биз — касаба уюшма вакиллари икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон ва Хитой касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликка 1992 йили асос солинганди. Ўтган давр ичида 33 нафар ўзбекистонлик касаба уюшма фаоллари Хитойда, 15 нафар хитойлик вакиллар Ўзбекистонда бўлиб яқиндан тажриба алмашдилар. Бу меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, баъзи бир муаммоларни ҳал этишда ёрдам бермоқда.

Меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашидаги фаоллар билан учрашувда ўзлари амалга ошираётган ишлар, тажрибалар хусусида батафсил ҳикоя қилдилар. Айни пайтда энг оммавий жамоат ташкилоти бўлмиш Ўзбекистон касаба уюшмаларининг жамиятимизда тутган ўрни, амалга ошираётган хайрли ишлари ва унинг самаралари билан яқиндан танишдилар.

Хитойлик меҳмонлар пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Хитой тилини ўрганишга ихтисослаштирилган 59-мактабда бўлиб, таълим-тарбия жараёнларини синчиклаб кўздан кечирдилар. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан дўстона суҳбатда бўлдилар.

М.ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

И.ҲАСАНОВ
олган суратлар.

Жаннатмакон ўлкамизда кунлар исиб, юртдошларимизнинг кўпчилиги баҳаво жойларга, тоғ ён бағирларидаги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришга ошиқмоқдалар.

СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА ЭЪТИБОР КУЧАЯДИ

Болажонларимизчи?! Уларнинг ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши анча вақтдирки тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу йўналиш бўйича масъуллар ҳар бир тармоқ тасарруфидаги корхона ва ташкилотларга қарашли оромгоҳларнинг мавсумга шайлиги, мактаблар қошида ташкил этилаётган ҳордиқ масканларидаги ишларнинг бориши билан танишиб, зарур ёрдамларни бермоқдалар.

Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги энг баҳаво ва сўлим масканлардан биридир. Бу ерда «Хоразмтранс» Давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган. Унинг бағрида ҳар мавсумда 480 нафар ўғил-қиз дам олиб, саломатлигини тиклайди. Айниқса, оромгоҳдаги катта боғда етиштириладиган сархил мевалар, полиз ва сабзавот экинлари фарзандларимизнинг дармондориларга бўлган эҳтиёжини қондиришда катта ёрдам бермоқда. Болажонларнинг бу севимли маскани ёнида «Автомобилчи» санаторий-профилакторийси ҳам жойлашган бўлиб, у ота-оналарнинг мазмунли дам олиб, даволанишларида катта қулайлик туғдирмоқда. Чунки, фарзандини оромгоҳга олиб келган ота-она бир йўла Хоразм вилоят Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси раислар кенгаши томонидан ажратилган йўлланмалар билан саломатликларини тиклаш имкониятига эгалар. Таъкидлаш жоизки, ота-оналар учун ушбу санаторий-профилакторийга йўлланмалар жамоа шартномаларига биноан имтиёзли нархларда, тармоқда кўп йил ишлаган меҳнаткашларга эса бепул берилади.

Оромгоҳ фаолиятини яхши йўлга қўйиш учун Хоразм вилоят Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси раислар кенгашининг ижтимоий суғурта маблағи ҳамда «Хоразмтранс» Давлат ҳиссадорлик бирлашмаси корхоналари томонидан ўз вақтида маблағ ажратиб келинмоқда. Хусусан, жорий мавсум учун оромгоҳ янги идиштовоқлар, мебеллар ва бошқа жиҳозлар билан ўз вақтида таъминланди.

Ҳозирда оромгоҳни тубдан таъмирлаш ва мавсумга ҳозирлаш ишлари ниҳояланмоқда. Жорий мавсумда оромгоҳ фаолиятини таъминлаш мақсадида вилоят тармоқ касаба уюшмаси раислар кенгаши томонидан 2 миллион сўмдан зиёд, «Хоразмтранс» корхоналари томонидан 2 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Оромгоҳ фаолияти бошлангач, дам олиш учун келган ўғил-қизлар 5 маҳал иссиқ овқат билан таъминланиб, доимий тиббий назоратда бўладилар. Шунингдек, улар спорт-соғломлаштириш тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, мовий сув ҳавзасида жисмоний соғломлаштириш машқлари билан шуғулланиб, чиниқадилар. Маънавият ва маърифат хонасида эса буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижоди, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга оид адабиётлар билан танишиб, маърифий учрашув ва суҳбатларда иштирок этадилар.

Шунингдек, мавжуд рассомчилик, бичиш-тикиш, мусиқа, бадиий ўқиш, миллий ҳунармандчилик, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш каби тўгаракларда касб-ҳунар сирларини эгаллайдилар.

Муҳаббат ДАВРОН.

ҚИШЛОҚДА БАНК

Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида «Савдогарбанк» Навоий вилоят бўлимининг кичик шоҳобчаси ишга тушди.

Шоҳобча тадбиркорларга хизмат кўрсатиш жараёнида иш ҳақи ва иш ҳақига тенг бўлган нақд пул тўловларини амалга оширади. Илгарилари ана шундай хизматлар учун «Савдогарбанк» нинг тумандаги мижозлари 60-70 километр йўл босиб вилоят марказига қатнаб, ортиқча чиқимдор бўлиб келарди.

Айни пайтда кичик банк қарийб 100 нафар мижозга хизмат кўрсата бошлади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси-да янги «RAPIDA-105 4+L» русумидаги босмахона дастгоҳларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Дастгоҳлар Германиянинг «КВА-ПЛАНЕТА» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, соатига 15 минг саҳифагача маҳсулот босиш қувватига эга.

ЯНГИ БОСМАХОНА ДАСТГОҲЛАРИ

Жаҳон андозаларига тўла мос бу дастгоҳлар Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобига харид қилинган. Улар ёрдамида аъанавий қоғоз турлари билан бир қаторда, картон қоғозларда ҳам босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Мазкур дастгоҳлар 2000 йили Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида ўтказилган халқаро полиграфия кўргазмасида «экологик жиҳатдан энг тоза» совринига ҳам сазовор бўлган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси мутасаддиларининг айтишича, янги дастгоҳларда асосан мактаб қўлланмаларини босиш кўзда тутилмоқда. Компаниядаги технологик жиҳатдан эскирган дастгоҳларни янгилари билан алмаштириш режалари ҳам бор. Бу борада ҳозир Германия ва Австриянинг етакчи фирма ва компаниялари билан алоқалар ўрнатилмоқда.

(ЎзА).

OLAMDA

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, Россияда ҳар йили кашандалик туфайли уч юз минг киши вафот этади. Бу мамлакатдаги ўлим кўрсаткичининг ўндан бири демакдир. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, 2030 йилга бориб мамлакатда кашандаликдан ўладиганлар вафот этаётганларнинг олтидан бирини ёки ўн миллионни ташкил этиш эҳтимоли бор.

* * *

Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэмин Австрия президенти Томас Клестил бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Хитой раҳбарининг таъкидлашича, Австрия Европада муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган давлатдир. Хитой ушбу давлат билан ўттиз йил аввал муносабат ўрнатган. Ўтган йили икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 780 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

* * *

Қозоғистон ОИТСга қарши кураш маркази раҳбари Турар Чекликовнинг айтишича, мамлакатда бу хасталик вирусини ташувчилар сони 1700 га етган. Бу Марказий Осиёдаги энг юқори кўрсаткичдир. Агар ҳукумат ва нодавлат ташкилотлари мазкур офатга қарши жиддий курашмаса, вазият янада ёмонлашиши мумкин.

* * *

Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот Тунис президенти Зин ал-Обид бин Али билан учрашувда Фаластин ҳеч қачон Исроилга бўйин эгмайди, деди. У яҳудийларга қарши курашда фаластинликларни қўллаб-қувватлаётгани учун Тунис халқига миннатдорлик билдирди.

* * *

«АНСА» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, яқин кунларда Франция ҳамда Италия қуролли кучлари Ўртаер денгизида қўшма машқ ўтказади. Мазкур тадбирдан мақсад икки давлат қўшинларининг жанг қилиш ва қутқарув операциялари ўтказиш маҳоратини оширишдир.

* * *

Хитой мутахассисларининг маълумот беришича, яқин йигирма йил ичида мамлакатда урбанизация даражаси 60 фоизга етиши мумкин. 2000 йилда Хитойда ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 850 АҚШ долларини ташкил этди. Агар мамлакатда ЯИМнинг йиллик ўсиши 7,2 фоизни ташкил этса, йигирма йилдан сўнг ҳар бир хитойликка тўғри келадиган маҳсулот ҳажми 2800 долларга етади. Бу эса урбанизация 60 фоизга кўтарилишини таъминлайди.

* * *

Жанубий Африка Республикаси соғлиқни сақлаш ташкилотларининг маълумотига кўра, мамлакатнинг Квазулу-Натал штатида вабо касали учраган. Вабо тарқалганидан буён беш киши вафот этиб, ҳозир 300 киши уни юқтирган. Ўтган йили айни шу касаллик билан 95683 киши оғриган, уларнинг 200 нафари ҳаётдан кўз юмган эди.

* * *

АҚШ президентининг махсус ёрдамчиси Залм Халилзода бошчилигидаги бир гуруҳ экспертлар ҳукуматнинг Осиё давлатларига нисбатан стратегиясини эълон қилди. Унда, қитъада барқарорликни сақловчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, АҚШнинг ҳамкори бўлмаган кучли давлатлар билан яхши муносабат қуриш ҳамда минтақадаги ҳар бир давлат билан алоқани ривожлантириш, шунинг асосида бу ерда барқарорликни мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

* * *

Мексика оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга кўра, маҳаллий полиция Сан-Луис-Потос шаҳрида беш минг икки юз тонна гашиш ҳамда олти килограмм кокаин моддасини қўлга туширган. Буларнинг умумий қиймати икки миллион АҚШ долларига тенг.

* * *

Европа Иттифоқининг ташқи савдо бўйича раҳбари Паскал Лам ЕИнинг Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлмаган давлатлар билан кенг алоқа ўрнатиш ниятида эканлигини маълум қилди. Иттифоқнинг жорий қилаётган янги концепцияси «Қуроллилардан бошқа барча билан кенг савдо», деб номланмоқда. Унинг асосий мақсади жаҳондаги қирқдан зиёд қолоқ давлатнинг савдосини ривожлантиришдир.

* * *

Куба раҳбари Фидел Кастронинг Африка мамлакатлари бўйлаб сафари давом этмоқда. У икки кунлик ташриф билан Ливияга келди. Фидел Кастро Ливия президенти Муаммар Қаддофий билан суҳбатлашаркан, бу мулоқотни «эски дўстларнинг учрашуви», деб атади. У 1977 йили ҳам Ливияда бўлган эди.

(ЎзА).

NIMA GAP

Маълумки, шу йилнинг май-июн ойларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказилади. Шу муносабат билан Олий Мажлиснинг матбуот ва ахборот қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раҳбарлари, Олий Мажлис Норматив ҳуқуқий атамалар комиссияси вакилларининг журналистлар билан учрашуви ўтказилди.

ОҚСОҚОЛ САЙЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

— «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, фуқаролар йиғининг раиси ва раис маслаҳатчилари 2,5 йил муддатга сайландилар, — деди Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов. — Бу йилги сайловлар янги таҳрирдаги Қонун асосида ўтаётганлиги билан ажаралиб туради. Бўлажак сайловлар ўз миқёси ва кўламига кўра, мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

А.Саидовнинг таъкидлашича, бўлажак сайловлар ҳеч бир фуқарони бефарқ қолдирмайди. Шундай экан, бу жараёнлар матбуотда тўлақонли ифодасини топиши лозим. Бу сайлов одамларимизни янгича фикрлашга ўтаётганлари маъносидагина эмас, балки ташкилий жиҳатдан, шунингдек демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳам муҳим қадам бўлади.

Маҳаллага оқсоқолликка муносиб киши халқни ортидан эргаштирадиган, ақли, шуури, замонамиз қўяётган талабларни зукколик билан илғаб оладиган бўлиши керак. Энг муҳими, ўз ваколатларини пухта билиши лозим. Зеро, мустақиллик йилларида маҳаллаларнинг ижтимоий ҳаётидаги роли ниҳоятда кенгайиб кетди. Шу боисдан бўлажак сайловларда фуқаролар маҳалланинг равнақи, тараққиётига, мамлакат, халқ манфаатларига астойдил хизмат қиладиган оқсоқолларни сайлашлари лозим.

Учрашувда сўзга чиққан мутахассислар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказишнинг бошқа жиҳатлари хусусида ҳам журналистларга батафсил ахборотлар беришди.

БУНИ МЕҲРИБОНЛИК ДЕСА БЎЛАДИ

Ўқувчилар таътил кунларини қаерда мароқли ўтказишлари мумкин, деган савол туғилиши табиий, албатта.

— Бу йил мамлакатимизнинг сўлим масканларида жойлашган 714 та оромгоҳ фарзандларимиз хизматида бўлади. — деди Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бош мутахассиси Мавлуда Шукурова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Мактаблар қошида ёки шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳларда, соғломлаштириш масканларида 7 дан 14 ёшгача бўлган 270 минг нафар бола ҳордиқ чиқариб, ўз соғлиқларини тиклаб олишлари мумкин. М.Шукурованинг таъкидлашича, айни пайтда ушбу дам олиш масканларида таъмирлаш, зарур мебел ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаш каби тайёргарлик ишлари кетаётир. Жойларда таъминот масалалари билан ҳоким ўринбосарлари бошчилигидаги болаларни соғломлаштириш бўйича вилоят комиссиялари шуғулланмоқда. Комиссия таркибига Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари, санитария-эпидемиология назорати хизмати ва бошқа муассасалар вакиллари кирган. Бундан ташқари, ҳар бир оромгоҳга маълум бир савдо нуқтаси бириктирилган.

— Йўлланмаларни олишга тўхталадиган бўлсак, бу билан бевосита болалар соғломлаштириш масканига эга корхоналарнинг касаба уюшмалари шуғулланади, — дея сўзида давом этди М.Шукурова. — Бу йил йўлланмаларнинг нархи 25-30 минг сўм атрофида бўлади. Корхона касаба уюшмаси орқали ота-оналар йўлланма умумий қийматининг 10 фоизини тўлашади. Йўл харажатлари бундан мустасно. Болалар уйлари учун эса йўлланмалар бепул.

М.Шукурованинг сўзларига кўра, бу йилги дам олиш мавсумида фаолият кўрсатадиган оромгоҳларнинг 65 таси соғломлаштириш масканлари бўлиб, улар кунига беш марта овқатланиш ҳамда даволаш тадбирларининг ўтказилиши билан ажралиб туради. Мактаблар қошида эса 500 га яқин кундузги оромгоҳлар очилиши кўзда тутилган. Бу ерда болалар учун барча шароитлар, хусусан, спорт майдончалари ва чўмилиш ҳавзалари ташкил этилади. Болалар тўрт марта овқатланиб, кундузи ором олишлари, агар мактабда чўмилиш ҳавзаси бўлмаса, яқин атрофда жойлашган сув ҳавзасида чўмилишлари мумкин. Бундай оромгоҳга йўлланма олиш учун синф раҳбари ёки мактаб директори номига ариза ёзилади. Йўлланмаларнинг нархи шаҳар ташқарисида жойлашган оромгоҳлар ёки соғломлаштириш масканларидагидан анча арзон бўлиб, ота-оналарга 10 фоизга тушади.

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Ҳурматли меҳнатчилар, мутахассисларни Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган Ўзбекистон Республикаси Кончилик ва Металлургия саноати ходимлари куни билан самимий табриклайди, муборакбод этади.



Жондан азиз Ватанимиз – ҳур Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳамиша баро-ридан келсин!

Ҳайдовчилар, сизлар учун

ЙЎЛ СИЗНИКИ, ФАҚАТ ҚОИДАНИ БУЗМАНГ

Бугун автомашинага қизиқиш катта. Дадаси-ю акасининг соясида машина бошқаришни хуфёна ўрганаётганлар ҳам йўқ эмас. Машина миниш айримлар учун ҳатто тузалмас касалликка ҳам айланган. Бироқ машинани бошқаришда хатога йўл қўймаслик, ДАН ходими олдида қизариб турмаслик мумкинми?..

— ДАН ходимини кўрганда ҳайдовчининг оёғи қалтирамаслиги лозим, - деди Чирчиқ туманлараро автомашиналарни рўйхатлаш ва имтиҳон қилиш бўлинмаси бошлиғи Фарҳод Қовунбоев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Йўл қоидасини пухта билган киши автомашинани эркин бошқаради. Қаерда нимага эътибор бериш лозимлигини ҳам унутмайди. Ўзингиз ўйланг, назоратчи йўлда қоидани бузмасдан кетаётган ҳайдовчини тўхтатиб нима қилади, раҳмат айтадими? Бу албатта назоратчининг вазифаси эмас. Қоидабузарни кўрганда эса азбаройи вазифаси бўлгани учун тўхтатиб ҳужжатни олади, жарима ёзади. Қоидабузарлик содир бўлса-ю, ДАН ходими бу ҳолга чора кўрса кимни айблаш керак? Албатта, ҳайдовчини-да. Шунинг учун биз ўзимиз хизмат кўрсатаётган Қибрай, Бўстонлиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳридаги ҳайдовчиларга йўл сизники, фақат қоидани бузманг, деймиз.

Кейинги икки йиллик таҳлиллар юридик шахсларга нисбатан фуқароларнинг кўпроқ автомашина харид қилаётганини кўрсатмоқда. Бу бир жиҳатдан фуқароларнинг турмуш шароити ўнгланиб бораётганидан нишона. Масалан, биргина ўтган апрел ойини оладиган бўлсак, бўлинмамиз томонидан 209 та автомашина рўйхатдан ўтган, шунинг 67 таси Асакада ишлаб чиқарилган «Нексия», «Тико», «Дамас»лардир. Рўйхатга олинган автомашиналарнинг асосий қисми корхона ва ташкилотларга эмас, балки фуқароларга тегишли. Сотилгани боис рўйхатдан чиқарилаётган автомашиналар сони 189 тани ташкил этди. Демак, автоуловлар сони ҳудудимизда кўпайиб бораяпти. Шу сабабли биз турли тўловларни қабул қилувчи кассани, компьютер хизматини шу ернинг ўзида ташкил қилганмиз. Сир эмас, автоулов ўғирланганми, гаровдами, шунга ўхшаш барча маълумотларни билишимиз керак. Бу автомашинанинг эгаси учун ҳам зарур. Ҳозир бу ҳақдаги маълумот учун ҳар бир киши Тошкент шаҳрига — ДАННинг ахборот марказига бориб келишга мажбур бўлмоқда. Муаммомиз шу. Бу ҳам компьютерга модем ўрнатишимиз билан бартараф этилади. Очиғини айтишимиз керак. 1974 йилдан кейинги барча маълумотларни хотирасига киритиб қўйганимиз ишимизни жуда осонлаштирди. Автоулов иштирокида қилинган қайсики жиноят бўлса, биздан маълумот олишади. Илгаригидек, бир-икки кун кутиб эмас, бир неча сонияда. Масалан, бугун компьютеримиз хотирасига фуқароларга тегишли 31 минг 691 та, юридик шахсларга қарашли 7 минг 41 та турли русумдаги автомашиналар тўғрисида тўлиқ маълумот жамланган. Барчаси алифбо тартибида жойлаштирилган. Бундан ташқари, автомашиналарнинг ранги, русуми ва бошқа хусусиятларига қараб ҳам тўлиқ маълумотларни бир неча дақиқада олишимиз мумкин. Бу қулайлик ва тезкорликнинг жиноятларни очишдаги хизмати беқиёс. Қолаверса, бўлинмамизнинг бевосита ташаббуси ва кўмаги билан бугунги кунда ҳайдовчилар тайёрлайдиган бешта курс ишлаб турибди. Битирувчиларнинг ўртача 75-80 фоизи имтиҳонлардан дастлабки уринишдаёқ ўтиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш-япти. Баъзида суяб юборишимизни илтимос қилишади. Марҳамат ўқишсин, ўрганишсин, синовдан ўтиш. Чунки, кимнингдир юзидан ўтолмай чаласавод ҳайдовчига «оқ йўл» тиласак, у эртага ўзимиз учун катта ташвиш туғдиради.

Хабарингиз бор, шу йил биринчи мартдан бошлаб янги йўл қоидалари жорий этилди. Бу ҳайдовчи учун ҳам, назоратчилар учун ҳам катта қулайлик. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим кишилар автомашинага ўтириб олгач, қоидани унутиб қўйишади. Бу ҳол уч-тўрт бор такрорланса, ҳужжатини олдиради-ю, бизга келади. Бундай тартиббузарларни қайта имтиҳондан ўтказамиз. Масалан, шу йилнинг дастлабки тўрт ойи ичида 174 нафар ҳайдовчи қайта имтиҳон топширишга мажбур бўлди. Кўриб турибсизки, тартиббузарлар етарли. Бироқ, ҳайдовчилар қайси ёшда, қандай транспорт воситасини бошқараётган бўлмасин, қайта имтиҳон топширмаслиги ҳам мумкин. Бунинг учун ҳушёрликни унутмаслиги, қоидага амал қилиб юриши лозим.

СЎЛИМ ВА МАФТУНКОР

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари болажонларни ўз кучоғига оладиган дамларга ҳам ҳеч қанча вақт қолгани йўқ. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Она ва бола» дастурини бажариш, ёзги дам олиш мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш юзасидан ишлаб чиққан режа асосида сўнгги юмушларни амалга оширмоқда.

Ҳозирда туман халқ таълими бўлимлари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилаётган оромгоҳлар фаолиятини таъминлаш, болаларни ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун ўтказиладиган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, зарур бўлган таъмирлаш ишларини бажариш, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, ошхона анжомлари, музлатгич, тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, маданий ва спорт жиҳозлари, китоблар, тўгарак ишлари учун зарур воситалар билан таъминлаш ишлари қизғин бормоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси мактаб оромгоҳларининг педагог тарбиячилар, тўгарак ва мусиқа раҳбарлари, зарур мутахассислар билан таъминланиши ҳамда оромгоҳларда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этишни ҳам ўз назоратига олган. Шунингдек, оромгоҳлар иш фаолиятини тўғри юритиш масаласига бағишланган ўқув семинари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Г.СОЛИЖОНОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

Касаба уюшма тадбирлари

БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗҒИН ЎТДИ

Самарқандликлар азал-азалдан республикамизда ўтказилаётган барча тадбир ва анжуманларда фаол иштирок этиб келишган. Нафақат иштирок этишган, балки энг совринли ўринларни ҳам эгаллашган. Шунинг учун бўлса керак, улар «Она ва бола» дастури асосида ўтказиладиган навбатдаги спорт ўйинлари мусобақасини ҳам ғалабага бўлган юксак ишонч билан бошлашди.

Жамоалар Каттақўрғон шаҳридаги марказий «Дўстлик» ўйингоҳида спортнинг етти тури бўйича беллашдилар. Дастлаб, шаҳар фан ва халқ таълими ҳамда тиббиёт бирлашмаси ходимлари майдонга тушишди. Касаба уюшмалари Самарқанд вилоят Кенгаши тиббиёт ҳамда фан ва халқ таълими ходимлари касаба ушмалари қўмиталари тасдиқлаган низом асосида ўтказилган мусобақалар кутилганидан ҳам зиёда, қизиқарли дамларга бой бўлди.

Ғолиблар тармоқ касаба уюшма қўмиталарининг диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилшод ШАКАРОВ,
Каттақўрғон шаҳри.

Саломатлик -ўз қўлингизда

ГАСТРИТ

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида махсус бир бобни меъда касалликларига бағишлаган. Олимнинг фикрича, иссиқ иқлим шароитида одам айниқса тўғри овқатланмаслик натижасида меъда ва ичак хасталикларига чалинишга мойил бўлади. Чунки таомларнинг ҳазм бўлмаслиги бутун организмда турли етишмовчиликларни келтириб чиқаради. Одатда меъда шиллиқ қаватининг яллиғланишига гастрит дейилиб,бу меъда касалликларининг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади. У клиник кечишига кўра иккига бўлинади — ўткир ва сурункали (хроник) гастрит. Статистик маълумотларга кўра, ўткир гастрит билан барча ёшдаги кишилар оғриши мумкин. Сурункали гастрит эса кўпроқ 25-40 ва ундан катта ёшдаги кишиларда, аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учрайди.

олди олинмаса бошқа хасталикларга ҳам сабаб бўлади.

Ўткир гастрит кўпинча сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилиш, қийин ҳазм бўладиган, шунингдек, ёғлиқ, аччиқ, шўр, жуда иссиқ ёки совуқ овқатлар ейиш, спиртли ичимликлар ичиш, тамаки ва нос чекиш оқибатида келиб чиқади. Булардан ташқари, дори-дармонларни нотўғри қўллаш, айрим ҳолларда озиқ-овқатларга нисбатан аллергия мавжудлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ўткир гастритда тўш остида нохушлик, оғриқ сезилиб, қорин дам бўлади, кўнгил айнийди, сассиқ кекирик, оғиз бемазалиги кузатилади, баъзан жиғилдон қайнайди. Бундай ҳолат овқатлангандан 2-3 соат кейин пайдо бўлиб, сўлак ажралиши ва ўхчиш билан давом этади, тинка-мадор қуриб, бош оғрийди, иштаҳа йўқолиб, ҳарорат бир оз кўтарилади, ҳатто ич кетиши мумкин.

Сурункали гастритнинг келиб чиқишига эса юқорида баён этилган омиллардан ташқари яна қуйидагилар сабаб бўлиши таъкидланган: ўз вақтида овқатланмаслик, овқатни шошиб, яхши чайнамасдан ва кўп ейиш, овқат вақтида сўзлашиш, баҳслашиш, китоб ўқиш, овқатда витаминлар, маъданли моддалар ва микроэлементлар камлиги, ўткир ва сурункали меъда - ичак, инфекцион касалликлар ва бошқалар сабаб бўлади.

Сурункали гастрит кўпинча даволанмаган ўткир гастрит оқибатида юзага келади. Бундай ҳолда кўпинча қориннинг юқори қисми ғижимлаб оғрийди, қорни дам бўлади, ичи бузилади (дам ич кетади, дам қабзият кузатилади), кўп ташна бўлади, овқатлангандан кейин қайт қилиш ҳоллари кузатилади. Бемор вақтида даволанмаса ёки пала-партиш даволанса, сурункали гастрит боробора меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасини келтириб чиқариб, ниҳоят ўсма касаллигига (ошқозон раки)га ҳам айланиб кетиш хавфи бор .

Гастритнинг олдини олиш ва унинг парҳезига оид айрим чора-тадбирларни эслатиб ўтамиз:

1.Овқатланиш тартибига ва шифокор тавсия этган парҳезга риоя қилиш, тишни тозалаб туриш, оғриган тишларни, ўткир ва сурункали касалликларни (сил, гепатит, холецистит, энтерит, колит, моддалар алмашинуви хасталиклари)ни даволатиш, ангинадан халос бўлиш лозим.

2.Ўткир гастритни даволашда биринчи навбатда организмга (меъдага) тушган токсик (заҳарли) моддаларни организмдан суньий равишда қайт қилдириш усули билан чиқариш тавсия этилади.

3.Ўткир гастритнинг асосий белгилари йўқолгач, беморга суюқ овқат (илиқ ҳолатда), ширин чой, мастава, қайнатма шўрва, кисел, кефир, қатиқ ичирилиб, сўнгра суюқ бўтқа, картошка пюреси, илитилган тухум, ёғсиз қийма гўшт, котлет, қотган нон, маъданли сув, илиқ чой буюрилади.

4.Ғазаб, қўрқув, ваҳима, ҳадик, безовталаниш, жаҳлдорлик, ҳаётдаги кўнгилсиз ҳодисалар ва ҳоказолар ҳам меъда ичак хасталикларнинг шаклланишида ва ривожланишига сабаб бўлишини унутманг.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

НИМ ТАБАССУМ

Габроволик меҳмонини қайиқда сайр қилишга таклиф этди. Меҳмон рози бўлди-ю, аммо мезбондан костюмини беришни сўради.

— Нега? — ҳайратга тушиб сўради габроволик.

— Мен сузишни билмайман, — тушунтирди меҳмон. — агар чўкиб кетадиган бўлсам, доақал костюмингни сақлаб қолишга ҳаракат қиларсан.

***

Габроволик ўз ҳамюртини дуэлга чақирди. Дуэлни шаҳарнинг чеккасида ўтказишга қарор қилдилар, у ерга поезд билан бориш керак эди. Ҳамшаҳарлардан бири паттани бориш ва келишга, иккинчиси эса фақат кетишга олди.

— Кўриб турибманки, сен тирик қайтишга унчалик умид боғламаяпсан, — деди биринчиси.

— Ҳеч-да, — жавоб қайтарди шериги. — Ортга сенинг паттанг билан қайтаман.

***

Габрово футбол жамоасининг устози дарвозабонга тайинлади:

— Ҳушёр бўл, тўп дарвоза тўрини йиртиб кетмасин. Акс ҳолда унинг товонини сендан ушлаб қоламан.

***

Хизматчи Габрово театрининг директори олдига югуриб келди:

— Жаноб директор! Бир томошабин болахонадан партерга юмалаб тушди!

— Дарҳол партер учун пул тўласин!

Биласизми?

ЭКОЛОГИЯ НИМА?

«Экология» атамасини 1866 йилда немис зоологи Э.Гегел таклиф этиб, «таналарнинг атроф-муҳитга муносабати ҳақидаги умумий фан, барча «яшаш шароитлари»га кенг маънода оиддир», деб таъриф берганди. Бу атамадан шу маънода фойдаланишнинг бугунги кунда ҳам кенг тарқалганига гувоҳмиз.

Зеро, унинг аҳамияти кундан-кун ортмоқда. Экология тарихи қадимий Юнонистон ва Рим натурфайласуфлари асарларидан бошланса-да, қиммати экологик кузатишлар Ж.Бюффон, П.Паласа каби XVIII аср табиатшуносларидан томонидан бажарилган.

Ҳозирги замон экологик тадқиқотларининг ўзига хос хусусияти бутун биосферани қамраб олувчи жараёнларга қизиқиш, инсон ва биосфера ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганишдир. Бизни ўраб турган тирик табиат тузилиши, тирик ер қатламининг биосфера бус-бутунлиги қандай «ишлаётгани» тўғрисидаги билимлар шахс экологик онгининг негизини ташкил этади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Кулгимиздан кулгай чечаклар.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат

Жавоҳирлар сандиғидан

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

ДЎСТГА МУНОСАБАТ ОДОБИ

Агар дўстларга нисбатан одоб шартлари нечта, деб сўрасалар, айтгинки, дўстлигига ҳеч бир шак-шубҳа уйғотмайдиган кишининг бешта хислати бор. Биринчиси — етук ақл, зеро ақлсиз кишининг суҳбатида файз йўқ, улуғларнинг сўзи борким: «Нодон дўстдан доно душман афзал». Иккинчиси — яхши хулқ, чунки бадахлоқ одам билан суҳбат қовушмайди Учинчиси — яхши ният, некбинлик, зеро бадкирдор ва фосиқдан дўст чиқмайди. Тўртинчиси — қаноат, чунки мол-дунёга ўч очкўз одам дўстликка арзимайди. Бешинчиси — тўғрилик, зеро кимки эгри фирибгар ва қаллоб бўлса, унинг суҳбати кишига шараф келтирмайди, негаки бундай одамнинг лафзи ишонарли эмас.

Агар мажозий дўстлик қанақа бўлади, деб сўрасалар, айтгилки, ғараз ва фойда — тамаъ асосига қурилган ошнолик мажозий дўстликка киради. Бундайларнинг ошнолигига эътимод йўқ, чунки у бирор манфаатни кўзлаб яқинлашади, иши битгач, дўстликни узади ва агар мабодо мақсади амалга ошмаса, унинг дўстлиги душманликка айланади. Бундайлар ширинликка ёпишган пашшага ўхшайдилар, ширинликни еб тугатгандан кейин дастурхон эгасини талайдилар...

Агар ҳақиқий дўст муяссар бўлса, унинг одобини қандай риоя этиш керак, деб сўрасалар, айтгин: ҳақиқий дўстликнинг одоби йигирмата нарсага риоя қилмоқдир, яъни: аввал шуки, мол-дунёни ундан аямаслик керак, агар ҳамма бойликни беришни иложи бўлмаса-да, лекин унинг ҳожатини чиқарадиган даражада бериб туриш керак. Иккинчидан, унинг сирини бировга айтмаслик ва сирни жон ичида сақлаш лозим. Учинчидан, унинг айбини бошқалардан беркитиш, аммо ўзига айтиш, токи у айбини йўқотишга чора қилсин. Тўртинчидан, унинг сўзларини жон қулоғи билан эшитиш. Бешинчидан, унинг сўзларига эътироз билдирмаслик ва сўзидан хато қидирмаслик. Олтинчидан, унинг номини яхшилик билан тилга олиш. Еттинчидан, унинг борлиғидан ва кўрсатган карамидан шукр қилиш. Саккизинчидан, унинг орқасидан яхши гаплар гапириб эсга олиш. Тўққизинчидан, насиҳатга зарурат туғилса, оҳиста ва лутф билан гапириш, дағаллик ва таънага йўл қўймаслик. Ўнинчидан, унинг хатоларини кечириш ва кўрмасликка олиш. Ўн биринчидан, ўз юкини унга ағдармаслик. Ўн иккинчидан, унинг шодлигига шодланиб, ғамгинлигига ғамгин бўлиш. Ўн учинчидан, уни кўрганда, биринчи бўлиб салом бериш, мактубни самимий дуо-салом билан бошлаш. Ўн тўртинчидан, ҳурматини жойига қўйиб, эъзозлаш. Ўн бешинчидан, унинг сўзини бўлиб, гап қистирмаслик. Ўн олтинчидан, ўзига раво кўрганни унга ҳам раво кўриш. Ўн еттинчидан, уни яхши бир вазиятда таърифлаш. Ўн саккизинчидан, мажлисда уни муносиб ўринга ўтиргизиш. Ўн тўққизинчидан, ёрдам зарур бўлган пайтда ҳимоя қилишдан чекинмаслик. Йигирманчидан, унинг душманлари билан дўстлик қилмаслик ва унинг дўстларига душманлик қилмаслик. Ва моҳият шуки, ҳақиқий дўстни чин юракдан севмоқ ва муносабат-муомалада буни амалда кўрсатмоқ шарт. Билгилки, оламда яхши дўстдан кўра саодат йўқдир:

Эй дўст, эшит,
молингни сарфла
Бир ёр топки, жаҳон саодати шул...

Агар ошноларга нисбатан адаб шартлари нечта, деб сўрасалар, бешта деб айт. Аввал шуки, ошноликни соат сари ошириб бориш керак. Иккинчидан, қўл билан, тил билан ҳар навъ қилиб бўлса ҳам, нафъ етказиб туриш лозим. Учинчидан, насиҳатни дариғ тутмаслик, ошнолардан бирор нарса тамаъ қилмаслик. Тўртинчидан, доимо уларнинг аҳволидан сўраб-суриштириб, хабардор бўлиб туриш. Бешинчидан, агар улар ёмонлик қилса, маломат қилмаслик.

Форс-тожик тилидан Н.КОМИЛОВ таржимаси.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 53-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6